Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 210 (6. 699) 1988 йил 13 сентябрь, сешанба Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 12 сентябрь куни Москвадан Красноярскка жўнаб кетди.

Шу куни М. С. Горбачев Красноярскка келди. Аэродромда уни КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари О. С. Шенин, Красноярск ўлка ижроия комитетининг раиси В. И. Сергиенко, ўлка партия комитети бюросининг аъзолари кутиб олдилар. Бугун Марказий газеталарда ўртоқ М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкасида бўлиши ҳақида расмий хабарлар берилган.

⊙ «Правда» газетасининг учинчи саҳифасида «Жамият учун кўзгу» сарлавҳали мақола эълон қилинган. СССР Статистика давлат комитетининг раиси М. А. Королев билан мазкур суҳбатда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига ҳозирлик қандай бораётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

⊙ Қимматбаҳо металлардан эсдалик тангаларини муомалага чиқариш тўғрисида СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банкининг хабари берилган. Хабарга 13 сентябрдан муомалага чиқарилаётган тангаларнинг тасвирлари ҳам илова қилинган.

⊙ «Известия» газетасининг иккинчи саҳифасида академик Г. Арбатовнинг «Экономикага алоқаси бўлмаган кишининг экономика ҳақидаги ўйлари» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақолада иқтисодий ислоҳот йўлидаги муаммолар ҳақида фикр юритилади.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

⊙ НЬЮ-ЙОРК. «Ньюсуик» журналига маълум бўлишича, ҳозирги вақтда махфий битим лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу битим Вашингтонга Гондурас территориясида «доимий объектлар» қуриш ҳуқуқини беради. Бу битим Қўшма Штатларга ҳозир «вақтинчалик статуси»га эга бўлган ҳарбий бўлинмаларни Гондурасда мунтазам сақлаб туриш, шунингдек ҳозир Панамада жойлашган АҚШ жанубий қўмондонлигини қисман Гондурасга олиб ўтиш имконини берган бўлур эди.

Битимдан кўзда тутилган мақсадлардан бири, деб таъкидлайди «Ньюсуик» журнали, башарти контрасларни қўллаб-қувватлаш программаси бутунлай барбод бўлса, АҚШнинг қуролли кучларига Никарагуага нисбатан тағин ҳам таҳдидлироқ позицияда туриш имкониятини яратишдан иборат.

⊙ ЛОНДОН. Ливерпулда Майкл Жексон концерти вақтида юз берган тартибсизликлар оқибатида 3400 га яқин киши жабрланди, 40 киши касалхонага тушди.

Машҳур америкалик қўшиқчининг ашаддий ихлосмандлари билет сотиб олиш имкониятига эга бўлмай, Европа бўйлаб сафарини тугаллаётган Майкл Жексон қўшиқларини эшитиш учун стадионга кирмоқчи бўлдилар. Стадионда эса Буюк Британиянинг ҳамма томонидан келган 125 минг киши тўпланган эди.

Полиция қаттиқ чоралар кўришга мажбур бўлди. Жамоат тартибини бузганлиги учун 22 киши қамоққа олинди.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Детройт — «Американинг автомобиль пойтахти» ҳисобланади. Эндиликда бу шаҳар яна бир ёмон ном чиқарди. «Фри пресс» маҳаллий газетасида эълон қилинган жиноят статистикаси маълумотларига кўра, болаларни ўлдириб кетиш жиҳатидан бу шаҳар мамлакатда биринчи «ўрин»ни эгаллаб турибди. Детройт кўчаларидаги қотилликларда болалар нобуд бўлмоқда. Америкадаги энг катта 10 шаҳардагига қараганда бу ерда ана шундай қотиллик ўртача уч баравар кўп содир бўлмоқда. Ёшлар яшаши ниҳоятда хавфли бўлган иккинчи шаҳар Чикагодир. Шундан кейин навбат Лос-Анжелес, Даллас, Филадельфия, Хьюстон ва Нью-Йоркка келади.

⊙ БУЭНОС-АЙРЕС, Чилиликлар қонли тўнтаришнинг 15 йиллигини хунта диктатурасига қарши кучли норозилик билан нишонладилар. Альенде қотиллари байрами қонли жангга айланиб кетди.

Сантьягонинг ўзида беш киши ярадор бўлди ва 200 га яқин киши қамоққа олинди. Бу ерда пойтахтнинг ғазабга келган аҳолиси Пиночет пойтахт шимолидаги Сантьягонинг ишчилар яшайдиган районига реклама мақсадида қилинган визитдан қайтиб келаётганида унинг эскортини тошбўрон қилдилар. Полиция билан соқчилар ўт очдилар, халқ ғалаёнларини бостириш учун махсус кучларни чақирдилар. Махсус кучлар намойишчиларни тарқатиб юбориш учун сувотар тўпларни ва кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган граната-ларни ишга солдилар.

Тошкент область партия комитетининг пленуми

10 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг XII пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ Т. А. Алимовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди. Илгари Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган ўртоқ М. М. Мирқосимов область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ўртоқ А. В. Браиловни пенсияга чиқиши муносабати билан область партия комитети бюроси аъзолигига кандидатлик вазифасидан озод қилди. Тошкент область касаба союзлари Совети раиси ўртоқ Ю. А. Асепков область партия комитети бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Пленумда Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Тўлаев, Олмалиқ шаҳридаги мактаб ўқитувчиси Н. Г. Блинова, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Гришчук, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. С. Орипов, СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов сўзга чиқдилар.

Пленум XXIII Тошкент область партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов сўзга чиқди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари В. П. Анишчев, П. В. Догонкин қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети XII пленумининг қарори

XXIII Тошкент область партия конференциясини чақириш тўғрисида

1. XXIII Тошкент область партия конференцияси 1988 йил 23 декабрда чақирилсин.

2. Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

а) КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси область комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот ва КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорлари асосида қайта қуришни чуқурлаштириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари;

б) область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисобот;

в) сайловлар.

— Ўзбекистон Компартияси область комитетини сайлаш;

— область партия ташкилоти ревизия комиссиясини сайлаш.

3. XXIII область партия конференциясига вакиллик нормаси 250 КПСС аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. XXIII область партия конференциясига делегатлар КПСС Уставига мувофиқ номзодлар бўйича бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия группалари ҳамда бошқа органлар ва жамоат ташкилотлари, алоҳида граждапларнинг конкрет таклифларини кўриб чиқиш асосида шаҳар, район партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Совет Армияси, ички қўшинлар партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар XXIII область партия конференциясига делегатларни шаҳар, район партия конференцияларида тегишли территориал партия ташкилотлари билан бирга сайлайдилар.

5. Бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, шаҳар ва район партия конференцияларида область партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари шахсий состави бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Мираҳмад Мирҳожиевич МИРҚОСИМОВ

Мираҳмад Мирҳожиевич Мирқосимов 1941 йилда хизматчи оиласида туғилган, ўзбек. 1967 йилдан КПСС аъзоси. Маълумоти олий: Тошкент политехника институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1962 йили технология ва машинасозлик конструкторлик бюросида инженерликдан бошлаган. 1973 йилдан партия ишида: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат бўлимининг инструктори, сектор мудири, Тошкент область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган. 1986 йили Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг биринчи секретари этиб сайланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати.

Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотланган.

Юрий Асралович АСЕПКОВ



Юрий Асралович Асепков 1941 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, белорус. 1964 йилдан КПСС аъзоси. Маълумоти олий: КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Тошкент авиация техникумини тугатгандан сўнг конструкторлик бюроси катта техниклигидан бошлаган. 1976 йилдан партия ишида: Тошкент шаҳар партия комитети саноат, транспорт ва алоқа бўлими мудирининг ўринбосари, мудири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлими инструктори, 1983 йилдан Ленин район партия комитетининг биринчи секретари, 1985 йилдан эса Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган. 1988 йил июлида Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси қилиб сайланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Ишчи қадри

Александр учун Тошкент экскаватор ремонти заводи билан уйнинг фарқи йўқ эди ҳисоб. Бир куни отаси Николай Савельевич заводга олиб борса, бошқа куни онаси олиб борарди. Корхонага «шалоги чиққан» хартумли машиналар келтирилар, ота-онаси уларни тузатишга киришардилар. Айниқса ёш Александрни «касал»дан турган экскаваторларнинг саф тортиши завқлантирар, бир неча марта машинист ёнига чиқиб, ҳатто завод ҳовлисида айланган ҳам.

Кейинчалик оқу қорани танийдиган бўлганда ҳам Александр заводни тарк этгани йўқ: турли сабаблар билан шу корхонада бирга ишлаётган ота-онасининг ҳузурига бориб турарди.

Орадан йиллар ўтиб, онаси вафот этди. Бу — ёш Александрга қаттиқ таъсир қилди. Айниқса отасига раҳм келар, Николай Савельевич ёнида хотини билан ишлашга чунонам ўрганиб қолган эмасми, ёлғизликка чидолмай қийналди. Буни Александрга очиқ айтарди ҳам.

Отаси: «Сен заводга ишга киргин» демаган бўлса ҳам унинг қалбида вақт ўтган сайин онаси ишлаган корхонага кириш иштиёқи аланга ола борди. «Онам билан бирга уйдан чиқиб кетишган кунлар ва бирга қайтиб келган кунлар қанчалар завқли эди-я! — деб ўйларди у. — Йўқ, бошқа ёққа бормайман, заводга ишга кираман!».

Мана шу воқеага ҳам бир йили кам чорак аср бўлибди! Отаси Николай Савельевич билан неча йиллар бирга ишга бориб, бирга қайтди! Отаси ўз ўғли қаноти остида кўкараётганидан минг чандон суюнарди. Ниҳоят, ота пенсия ёшига етиб, мана Александр Мельников улар ишини давом эттиряпти.

А. Мельников бу ерда ишлаб, асло кам бўлгани йўқ. Оддий ишчиликдан бригадир даражасига кўтарилди. Аммо қадрдон дастгоҳини ташламади. Ота-она касбига содиқ қолди!

Александр болалиги, ёшлиги, бутун ҳаёти шу корхона билан боғлиқ бўлгани учунми ўз ҳаётини заводсиз сира тасаввур қилолмайди. Айниқса камтарона меҳнати эвазига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган куни бир умр унутмайди. Уни дўстлари, ота-онасининг шогирд ва тенгдошлари қутлашди.

Ҳозир А. Мельниковдан: «Бахтлимисиз?» деб сўраганимизда: «Албатта, бахтиёрман-да, қани ҳамма ҳам ота-она ишининг муносиб давомчиси бўлсин-чи» дейди. Ҳақиқатан ота-онадан «эстафета»ни олишнинг завқ-шавқини Александрга ўхшаган ҳалол, виждонли ва меҳнатсевар кишилар яхши биладилар ва буни юксак қадрлайдилар.

Х. ИКРОМОВ.

● СУРАТДА: Александр Мельников.

Т. Каримов фотоси.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Тошкентда Тинчлик боғи очилди

Тошкентлик кишилар кўксида янги рамзий нишон пайдо бўлди. Унда кенг қулоч ёзган чинор дарахти ва у ўсган ер курраси тасвири акс этган. Бу нишон Ўзбекистон пойтахтида бунёд бўлган Тинчлик боғи шарафига тайёрланган. Шундай қилиб, пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасидаги Киров номли оромгоҳ ёнбағрида яхши ният билан Тинчлик боғи бунёд бўлди. Бугун 13 сентябрь тонгидан бу боғ ўзининг салобатини, чиройини кўз-кўз қила бошлади...

Бундай ҳайрли кунда бехтиёр узоқ тарих воқеалари кишн кўз олдидан ўта бошлайди... Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ҳақидаги хабарлар ўша йилларда денгизлар, океанлар оша Америка қитъаси мамлакатларига ҳам ёйилган эди. Ўшанда АҚШнинг оддий ишчилари океан ортидан туриб Октябрь инқилобини қутлаган эдилар. Ёш Советлар мамлакатига ташқи интервенция ҳуружи кучайган бир пайтда Американинг порт шаҳарлари докерлари, ишчилари интервенциячиларга аталган ҳарбий қурол-аслаҳаларни кемаларга ортишдан бош тортдилар.

Бугун Тинчлик боғи тантанали очилиш маросимида оддий америкаликларнинг ўша йилардаги хайрихоҳлиги, тинчлик учун амалий курашдаги жасорати ҳақида эсладик.

Пролетариат доҳийси В. И. Ленин Америка ишчиларига йўллаган хатларида ҳам оддий жафокаш кишилар ҳақида тарихий гаплар айтилганлигини эсладик. Ўша алангали йилларда Америкадаги шаҳарлар орасида Сиэтлнинг ишчилари ҳам матонат кўрсатганликлари хаёлимизда бирма-бир ўтди.

Ўша алангали йилларда бошланган эзгу ниятли фикрлар кейинги йилларда барқ уриб ривожлана бошлади. Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари биродарлашди. Иккала шаҳар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, маданий алоқалар ривожланди. Бу биродарлик алоқаларини кенг кўламда рамзий маънода муҳрлаш учун кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Сиэтлда Тошкент боғи бунёд бўлди.

Америкадаги тинчлик тарғиботчиси «Орала» ташкилоти архитекторлар, қурувчилар, безакчилардан иборат группа тузиб, бундан тўрт йил муқаддам дастлабки лойиҳани ишлашга киришган эди. Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида яхши қўшничилик алоқалари ва жаҳонда барқарор тинчлик ўрнатилиши учун қўйилган дастлабки дадил қадамлар муносабати билан Тошкентда Тинчлик боғини қуриш ишлари қизиб кетди.

Бу боғнинг йўлкалари, хиёбонларида ажиб сеҳрли манзара бор. У йўл чеккаларига марҳон сингари қадалган кошинлардир. Бу кошинлар Сиэтл мактабларининг ўқувчилари ижоди ва меҳнатига боғлиқ. Ташкилот группаси 10 минг дона кошин ортилган автобусни мактаблар бўйлаб айлантириб чиқди. Унга ўқувчилар «Ер курраси», «Тинчлик», «Бегубор осмон», «Йўқолсин уруш» сингари қўллаб мавзуларда расмлар ишлаб беришди. Энди бу боғда 10 минг мурғак қалбдан чиққан янгроқ хитобли даъват—сермазмун расмлар ёруғ юлдузлар каби чарақлаб турибди.

Сиэтлликлар Тошкентдаги бу Тинчлик боғининг бунёд бўлишида ишлатиладиган барча сарф-харажатларни ўз зиммаларига олишди. Қурилиш материаллари, ҳайкаллар, қора ёғочдан ишланган ноёб ўриндиқлар 10 минглаб километр масофа босиб океанларни ортда қолдириб Тошкентга келтирилди.

Бу боғда яна бир рамзий бурчак бор. Уни Замин деб аташ мумкин. Диаметри 5 метрли глобус бўлагида СССР ва АҚШ мамлакатлари тасвирланган. Бу икки мамлакат ўртасида ўрнатилаётган яхши қўшничилик, тинч-тотувлик белгисидир. Боғнинг энг баҳаво жойида қад кўтарган Замин бурчаги Сиэтлдан келтирилган ноёб тошлар ва Ўзбекистон мармари билан безакланган.

Шундай қилиб, Тинчлик боғи бугун тантанали очилди. У Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари, Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги яхши дўстлик алоқаларининг яхши бир белгисидир.

А. ПЎЛАТОВ.

● СУРАТЛАРДА: Тошкентда бунёд этилган Тинчлик боғида.

Пахтакорга мададкорлар

⊙ Тошкент агрегат заводи қишлоқ хўжалиги машинасозлари учун зарур техникани тайёрлашдек муҳим ишни муваффақиятли амалга ошириб келмоқдалар.

Корхона ишчилари саккиз ойлик планларини ортиғи билан адо этдилар. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати планга қўшимча 15,4 процентни ташкил этди.

Ишчилар ҳар бир ишда пахтакорларга мададкор бўлиш учун куч-ғайратларини аяшмаяпти.

Кеэи келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки корхона коллективи бир неча йилдан буён Сирдарё областининг Оқ олтин районидаги 9«а» совхозни меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатиб келишмоқда.

— Бу йил ҳам шу ажойиб меҳнат анъаналаридан четда қолмадилар. Совхоз меҳнаткашларига кўрсатилаётган ёрдамимиз ўзига хосдир, — дейди корхона партия комитети секретари Ш. Рашидов. — Қишлоқдаги дўстларимизга 3 минг 600 сўмликдан ошиқ эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Шунингдек бир группа ишчилар айни кунларда совхоз пахта далаларида бўлиб, пахтакорларга мадад бермоқдалар. Бунинг учун икки автолетучка ажратилган. Яқин орада коллективнинг яна бир отряди совхозга бориб пахта ҳосилини йиғиштириб олишда кўмак беришади.

Д. МУРОДОВ.

Партия конференцияси қарорлари — ҳаётга!

Қайта қуриш тарғиботчилари

Тошкент шаҳар «Билимлар уйи»да янги туркум лекциялар бошланди. Бу суҳбатлар мамлакатимизнинг узоқ ўтмиши тарихига бағишланган.

Туркум бешта машғулотдан иборат. Ҳар бир машғулотда иккитадан лекция ўқилади. Машғулотларни Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедраси мудири, профессор А. Йўлдошев олиб бораяпти.

Унинг лекцияларини асосан мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларнинг тарих ва жамиятшунослик фанлари ўқитувчилари тинглашяпти. Биринчи машғулотда «Мамлакатимиз узоқ ўтмиши тарихи» ва «Мамлакат тарихида янги иқтисодий сиёсатнинг ўрни ва роли» деган мавзуларда лекциялар ўқилди.

Курс қатнашчилари бир ой давомида тарихимизнинг номаълум саҳифаларини бирма-бир варақлаб, бор ҳақиқатни билиб оладилар. «Сталин шахсига сиғиниш оқибатлари ва сабоқлари», «Мамлакатни коллективлаштириш ва индустрлаштириш: у қандай бўлган эди», «КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг тарихий аҳамияти», «Ўзбекистон ва қайта қуриш» каби мавзулардаги лекцияларни тинглайдилар, ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб оладилар.

— Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларини кенг тарғиб этишда лекция пропагандаси имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз,— дейди «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правленияси раиси Ойсара Мироқилова. — Конференция материаллари эълон қилиниши билан «Билимлар уйи»га таниқли олимлардан Ш. Зиёмов, С. Салимов, Қ. Хоназаров ва бошқалар таклиф этилди. Улар конференция қабул қилган ҳар бир Резолюцияни тингловчиларга шарҳлаб бердилар. Лекцияларни тинглашга партия активлари, идеология ходимлари таклиф этилган эди. Лекциялар давомида улардан 200 га яқин савол тушди. Саволларнинг бир қисмига оғзаки, бир қисмига ёзма тарзда жавоб берилди.

Ҳозир биз конференция материаллари бўйича ўқилган лекциялар ва саволларга берилган жавобларни системага солиб, махсус брошюра чиқараяпмиз. Ўйлаймизки, у республикамиздаги бошқа тингловчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотади.

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ходимлари лекциялар мазмундорлигини ошириш ва тематикасини кенгайтиришга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Лекцияларни ўқишга энди иқлар академиклар, министрлар, йирик мутахассислар таклиф этиляпти. Ўтган ойларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 11 нафар академиги ва мухбир аъзоси мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ мавзуларда қизиқарли лекциялар билан чиқдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Т. Рашидовнинг «Социал иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда табиий фанларнинг роли», «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Е. Тўрақуловнинг «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг социал-медицина асослари», Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Ш. Ўразаевнинг «Қайта қуриш ва ҳуқуқ маданияти» каби темаларда ўқиган лекциялари тингловчиларда айниқса катта таассурот қолдирди.

«Билимлар уйи»да кейинги пайтларда республиканинг саккиз нафар министри билан меҳнаткашларнинг қизиқарли учрашувлари уюштирилди. Бундай учрашувлар 20 октябрдан яна йўлга қўйилади. Шу куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Жўрабеков озиқ-овқат программасини ҳал этиш истиқболлари ва муаммолари ҳақида лекция ўқийди. Кейинроқ республика нарх комитети раиси Қ. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. Баҳромов, Ўзбекистон ССР Юстиция министри Б. Олимжонов ва бошқалар билан қизиқарли суҳбатлар бўлади. Келаси йилнинг ярмигача меҳнаткашлар ўн нафар министр билан учрашиб, ўзларини тўлқинлантираётган саволларга жавоб оладилар, лекцияларни тинглаб энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўладилар.

«Билим» жамияти шаҳар ташкилоти сентябрь ойи охирларида лекциялар аукционини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу гал лекцияларни тинглашга корхоналар, олий ўқув юртлари ва бошқа йирик муассасалар раҳбарлари, партия ташкилоти секретарлари, мутахассислар таклиф этилади. Улар ўқиладиган лекцияларни тинглаб энг маъқулларини танлаб оладилар. Буюртма бўйича жамият корхоналар ва ташкилотларга лекторлар юборади. Улар танланган мавзулардан ташқари сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системаси машғулотларида ҳам лекциялар ўқиб беришлари мумкин. Лекция ўқишдан тушган даромад жамиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади. Айни пайтда тушган фойдадан лекторларнинг ўзлари ҳам моддий манфаатдор бўладилар. Шу боисдан ҳам улар лекциялар мазмундорлигини ошириш ва аудиторияни кенгайтиришга интилмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ.

Олимжон Ҳакимов 2-троллейбус депосида электрчилар бригадасига етакчилик қилади. Кўп йиллардан буён ўз ишига содиқлигидан ёндошиб келаяпти. Ўз эммасига юклатилган топшириқларни бекамu-кўст адо этаяпти.

О. Ҳакимов рационализатор сифатида коллектив ўртасида танилган. Ҳозиргача у элликдан зиёд рационализаторлик таклифлари киритди. Бу таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Унинг рационализаторлик таклифлари корхонага катта иқтисодий фойда келтиряпти.

Шу кунларда у етакчилик қилаётган бригада слесарлар бригадаси билан ўзаро мусобақалашиб ишлаб, салмоқли натижаларни қўлга киритяпти. Улар иш сифатига ҳам жиддий эътибор қаратишяпти. Бу ишларда энг аввало бригадирнинг ўзи шахсий намуна кўрсатишга интилмоқда.

СУРАТДА: О. Ҳакимов.

Т. Каримов фотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Телетайп лентасидан

● **НЬЮ-ЙОРК. АҚШда ноябрь ойида бўладиган сайловда Оқ уй учун курашадиган АҚШ вице-президенти, республикачи Жорж Буш ва Массачусетс штатининг губернатори, демократ Майкл Дукакис сайлов олдидан икки марта телевизор орқали мунозара ўтказишга розн бўлдилар. Республикачилар ва демократлар партияларидан вице-президент лавозимига номзодлар ўртасида ҳам бир марта телевизион мунозара ўтказилади. Буш ва Дукакисининг сайловолди кампанияларн раҳбарлари Жеймс Бейкер ва Пол Бронтас музокара олиб боришганидан кейин шу ҳақда эълон қилишди.**

● **МЕХИКО. 1973 йилги ҳарбий исён чоғида қахрамонона ҳалок бўлган Чили президенти Сальвадор Альенденинг бевася Ортенсия Бусси де Альенде хунта рухсат бергандан фойдаланиб, яқин кунларда Сантьягога қайтиб келиш ниятн борлигини айтди. ЮПИ агентлиги мухбири билан суҳбатда Мексика пойтахтида муқим яшаётган президентининг 74 яшар бевася Чилига қайтишдан муддаоси маълумлар 5 октябрга тайинлаган сайловда фаол иштирок этиш эканлигини таъкидлади, мазкур сайлов чоғида Пиночет яна 8 йил мобайнида давлат бошлиғи бўлиб туриши ёки турмаслигини халқ аниқлаб бериши керак.**

● **РИМ. Италия президенти Франческо Коссига «Фальконе иши» деб аталмиш ишга боғлиқ барча ҳужжатларни мамлакат парламентига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Давлат бошлиғи бу материаллар ҳозирги вақтда Сицилиянинг маъмурий маркази — Палермода вужудга келган жиддий аҳволга бевосита дахлдорлиги тўғрисида парламент сенатининг раиси Жованни Спадолинига ахборот берди. Гап шундаки, уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи машҳур италъян мутахассиси, терговчи Жованни Фальконе расмий мансабларнинг бошқа портлади. Натижада 15 киши жиддий ярадор бўлди. Сўнгги 18 ой мобайнида шу хилдаги ҳаракатлар оқибатида камида 250 киши ўлди, деб хулоса чиқаради шу муносабат билан Рейтер агентлиги. Тахминларга қараганда бомбани портлатган шахслар Афғонистоннинг қуролланган оппозицияси сафида бўлса керак, уларнинг лагерлари Покистоннинг мазкур районида жойлашган, деб таъкидлайди агентлик.**

● **Покистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган Пешовар шаҳрида бомба портлади. Натижада 15 киши жиддий ярадор бўлди. Сўнгги 18 ой мобайнида шу хилдаги ҳаракатлар оқибатида камида 250 киши ўлди, деб хулоса чиқаради шу муносабат билан Рейтер агентлиги. Тахминларга қараганда бомбани портлатган шахслар Афғонистоннинг қуролланган оппозицияси сафида бўлса керак, уларнинг лагерлари Покистоннинг мазкур районида жойлашган, деб таъкидлайди агентлик.**

● **АҚШ президенти Р. Рейган Хитой Халқ Республикасига ўз ракета ташувчиларн ёрдамида космосга Америкаининг коммерция алоқа йўлдошларнинг чиқаришига имкон бериш юзасидан расмий равишда рухсат берди, деб хабар қилади ЮПИ агентлиги.**

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартираси биноси олдида ироқлик қочоқларнинг намойиши бўлиб ўтди. Улар Эронда мамлакатнинг ҳозирги раҳбарияти душманларига нисбатан оммавий репрессиялар ўтказилаётганлигига қарши норозилик билдирдилар.**

● **Ҳиндистон бош министри Раҳив Гандн эллик йиллик юбилейн муносабати билан «Нэшнл геральд» газетасининг шарафлаш маросимида сўзга чиқиб, матбуот ҳақидаги қонун лойиҳаси юзасидан журналистларнн мулоқотга даъват этдн. Бу энг демократик йўл, биз ишончли далилларнн, адолатли таклифларнн қабул қилишга тайёрмиз, деб таъкидлади у.**

Маъмурлар буйруғи

7 сентябрда Бирма қўшинлари ва полициясига бир неча кундан буён мамлакат пойтахтида зўравонлик қилаётган талончиларни жиноят жойида отиб ташлашга буйруқ берилди.

Шаҳардаги бирдан-бир давлат муассасаси — Рангун радиосининг расмий хабарида шу ҳақда маълум қилинди. Ҳукуматга қарши оммавий намойишлар ичида қолган Бирманинг маъмурлари радионн тўла контрол қилиб турибдилар. Эълонда солдатларга фақат «жиноий унсурлар» хуружларининг олдини олиш, жамоатчиликнинг намойишлари ҳукуматга қарши шиорлар остида ўтаётган бўлса ҳам бу тинч намойишларга аралашмаслик буюрилганлиги таъкидланади.

ОРАДАН УЧ АСР ЎТГАЧ

Скотланд-Ярд тергов экспертизаси мутахассисларига минг хил тадқиқотларни олиб боришга тўғри келган. Аммо тўла ишонч билан айтиш мумкинки, қуйидаги ҳикоя қилинадиган тадқиқотга ўхшаш ғаройиб тадқиқот Лондон полициясининг бутун тарихида бўлмаган.

Скотланд-Ярд вакилининг журналистларга хабар қилишича қараганда, илмий лабораторня ходимларига қирол Карл I қонини анализ қилишга тўғри келади. Маълумки, монарх инглиз буржуа революцияси чоғида тахтдан ағдарилган ва 1649 йилда унинг боши танасидан жудо қилинган эди. Мана энди, орадан 339 йил ўтганидан кейин, экспертлар Карл қонининг группасини аниқлашга уриниб кўришлари ва у ҳаётининг сўнгги куни бетоб эмасмиди, деган саволга бирйўла жавоб беришлари лозим.

Тадқиқотлар натижалари қатл маросимининг 340 йиллиги куни, келаси йилнинг январига келиб эълон қилинади, деб кутилмоқда.

Экспертиза учун жаллод кундасига бош қўйган куни унинг устида бўлган шойи камзулдан фойдаланилади. Камзулнинг айрим жойларида қон излари сақланиб қолган. Қиролнинг қатл маросимидаги либоси сақланаётган Лондон музейн раҳбарнятн рухсати билан Скотланд-Ярд мутахассислари анализ учун газламанинг қон теккан жойларини қирқиб оладилар. Тўғри, анализ натижаларига тўла кафолат бериб бўлмайди, сабабн орадан уч асрдан кўпроқ вақт ўтган-да.

САЙЁҲЛАР КЎПАЙМОҚДА

Прални ороли ўзининг «денгиз ёнғоқлари» ва қора тўтиқуш билан бутун оламга машҳур. Ана шу орол яқин орада Сейшель ороллари Республикасининг ўз аҳамияти жиҳатидан иккинчи бўлган сайёҳлар марказига айланади. Прални кўпчилик меҳмонхоналар жойлашган Маэ ороллдан кейин сайёҳлар келадиган иккинчи марказ бўлиб қолади.

Гўзал пляжлари, гранит қоялари ва ноёб тропик ўрмонлари билан машҳур бўлган Прални ҳар куни чет эллардан 500 га яқин меҳмон келмоқда. Оролда замонавий аэропорт қурилганидан кейин узоқ муддатга мўлжалланган соцнал-иқтисодий тараққиёт плани қабул қилинди, шу режага кўра янги меҳмонхоналар қурилади. Замонавий йўллар очилади ҳамда Прални билан Маэ ўртасида миллий авиакомпания самолётлари кўпроқ қатнай бошлайди. Шунинг учун ҳам яқин йиллар ичида сайёҳлар сони бир ярим баравар кўпаяди.

УМР КУЗИ ТАШВИШЛАРИ

«Кўзуга тикилиб қарайман, аммо ҳали чуқур ажинлар кўзга ташланмайди. Шунга қарамай, давр талабидан келиб чиқиб, умр ҳазон бўладиган кунларга ҳозирдан тараддуд кўриш керак», — деб таъкидлайди Португалияда чиқадиган «Днарну» газетасининг мухбири.

Португалиядаги қарияларнинг аҳволи жиддий ташвиш уйғотмоқда. Уларнинг тахминан бешдан бир қисми ҳозир ёлғиз, қашшоқликда кун кечирмоқда, бошпанага, парваришга, даволанишга муҳтож. Ийл бошида ҳукумат «учинчи авлод» вакилларига миллий ёрдам комиссиясини ташкил этди. Аммо ҳозирча у сезиларли ижобий самара бергани йўқ. Ваҳоланки, 2000 йилга келиб мамлакатда ёшн 65 дан ошган 1,4 миллион киши истиқомат қилади, уларнинг учдан бир қисми 75 ёшдан ошган бўлади. Бу бутун аҳолининг 13 процентини ташкил этади.

КАЛЕЙДОСКОП

Республика бўйлаб

ХУШХАБАРЛАР

Ўрта Осиё темирйўлчиларининг Фарғона водийсида жойлашган машҳур «Чимён» санаторийсида ўринлар сони икки баравар кўпаяди. Бу ерда 100 нафар дам олувчига мўлжалланган янги уч қаватли корпус, шунингдек магазинлар, чойхона, ошхона барпо этишга қарор қилинди. Шу объектлар қурилишига жойлар ажратиб берилди. Қурилишда темирйўлчиларнинг ўзлари фаол қатнашадилар. Ишлар фойдаланилган минерал сувлар ташланадиган тозалаш иншоотларини барпо этишдан бошланди. «Чимён» санаторийси одамларни минерал сув билан даволайди.

* * *

«Факел» кооперативи Хатирчи районидаги Акмал Икромов номли совхозни газлаштиришга ёрдам берди. Бу кооператив «Навоиоблгаз» бошқармаси ҳузурида ташкил этилган. Бошқарма бўлинмалари салкам ўттиз километр янги газ тармоқларини ётқизди. Ийл охиригача яна шунча тармоқни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. «Факел» кооперативи туфайли аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини икки баравар ошириш мумкин бўлиб қолди.

* * *

Қўқон пайпоқ-йигирув бирлашмаси киччкинтойлар учун пландан ташқари маҳсулотни магазинларга жўнатди. Корхона ҳозир ишлаб чиқарган маҳсулот турларининг қарийб ярми болалар учун мўлжалланган. Ийл бошидан буён болалар учун 1,8 миллион жуфтдан кўпроқ қўшимча пайпоқлар тайёрланди. Натижада корхона планга қўшимча равишда 600 минг сўм фойда олди.

* * *

Ангрендаги «Строитель» касаба союз кутубхонаси ўз китобхонлари ҳузурига йўл олди. Бу ерда ташкил этилган тўққизта кўчма кутубхона пардозлаш ишлари қурилиш бошқармасида, йиғма темирбетон заводида, «Узбекшахтастрой»нинг 1 ва 6-қурилиш бошқармаларида, бошқа ташкилотларда, ишчиларнинг ётоқхоналарида ишлаб турибди. Шу туфайли кутубхона аъзолари бир неча баравар кўпайди.

* * *

Чирчиқ пойабзал фабрикасида янги маҳсулот потокка қўйилди. Энг киччкинтойлар учун мўлжалланган ботинкачалар гоят ранг-баранг хом ашёдан, усти чармдан тайёрланмоқда. Шу кварталнинг ўзидагина салкам 20 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Корхонада маҳсулот турлари тез янгиланмоқда. Ийл бошидан буён ўнлаб янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди

[ЎзТАГ].

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида алоҳида модалн буюмлар тикиладнган цех ташкил этилган. Бу маҳсулотларнинг бозори чаққон, улар магазин пештахталарида қолиб кетаётгани йўқ.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ,— деб ҳикоя қилади рассом-модельер Фотима Иброҳимова. — Биз Харидорлар талаб-эҳтиёжини сиичиклаб ўрганиб борамиз, маҳсулотларимизнинг омборларда тахланиб ётишн учун эмас, истеъмолчиларга тезроқ етиб боришн учун ишлаб чиқарамиз.

Ҳар ойда чеварлар либосларнинг янгидан-янги моделларини ишлаб чиқарадилар. Улар кичик партияларда тикиладн. Тошкентда кенг шуҳрат қозонган «Перспектива», «Мода» магазинларида, Марказий универсал магазинида шартнома нархларн бўйича реализация қилинади.

СУРАТЛАРДА: бирлашманинг чевар тикувчи-моториствкаси А. Мақсудова; «Перспектива» магазинининг катта сотувчиси М. Азимова қозонлик ўқитувчи Н. Я. Буслаевага ўзига мос кўйлак танлашда ёрдам бермоқда.

А. Рисқиев фотолари,

[ЎзТАГ фотохроникаси].

Илгариги мавзуга қайтамиз

ЯНА БИЛЕТСИЗ ЙЎЛОВЧИЛАР ҲАҚИДА

«Алгоритм заводи» бекатида ҳар куни эрталабданоқ ҳаёт қайнайди. Бу ердан шаҳарнинг турли корхона, муассаса ва ташкилотларига борувчи минглаб йўловчилар автобус ёки троллейбусларда ишга равона бўладилар. Бу яхши ҳол, албатта. Аммо транспортга чиқишингиз биланоқ қувончингиз узоққа чўзилмайди. Салонга разм солсангиз, мунтазам бир хил аҳволдан кўнглингиз хижил тортаверади: кимдир билет оладию, бошқа биров абонемент монстер қилишни парвойига ҳам келтирмайди. Шунда ўз-ўзидан савол туғилади: йўловчиларнинг ўзлари назоратга муҳтож бўлиб қолганлари йўқмикан? Акс ҳолда текин юрган пассажирлар муаммоси бугунги кунда ҳеч нимни безовта қилмаган бўларди.

Очиғини айтиш керак, кейинги вақтда «Главташпассавтотранс» ва трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаларининг ўнлаб мутахассислари транспортда нормал вазиятни юзага келтириш, йўловчиларни онгли равишда йўл ҳақларини тўлаб юришга ўргатиш билан шуғулланмоқдалар. Бекатларда уларга ёрдамга келган турли муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари — яъни жамоатчи контролёрлар сергак туришибди. Яхши ишнинг сабоғи яхши бўлиши табиий, албатта. Бироқ жамоат транспортларида оммавий назорат ҳар доим ҳам йўлга қўйилавермайдику. У вақтинчалик тадбирнинг ўзи эмасми? Шундай экан, кейинчалик нима бўлади?

— Менимча назоратни кучайтириш билан иш битмайди,— дейди 7- автопарк директори Хуршид Азимов. — Энг муҳими йўловчиларнинг психологиясини қайта тарбиялаш керак. Қолаверса, абонементларни қандай бўлишини ҳам яна бир бор ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Шаҳримиздаги аксарият абонементлар бир хил. Бу баъзи пассажирлар учун қулайлик яратиши шубҳасиз. Айниқса маълум маршрутларда юрувчилар абонементларини ўзгартирмай бир неча кун бемалол ишга бориб келишлари мумкин. Қолаверса, ўнлаб компостерларимизнинг қоғозларда қолдирадиган излари ҳам бир-бирига ўхшаш. Шундай экан, абонементларнинг рангини ҳар фаслда ўзгартириб туриш керак деб ўйлайман. Бу янгилик албатта автотранспорт ташкилотларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга ёрдам беради. Ҳайдовчи ҳам, назоратчи ҳам сезгирлик билан йўл ҳақига хиёнат қилганларга осон жарима сола оладилар.

Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Айниқса мутахассислар мазкур масала юзасидан жиддийроқ бош қотиришса фойдадан ҳоли бўлмасди. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. У ҳам бевосита йўловчи муаммоси билан боғлиқ. Истасангиз-истамасангиз, сиз ҳар куни ҳамёнингиздаги тангаларни жиринглатиб абонемент сотиб ўтирган аёлнинг олдига борасиз.

— Учта билет беринг.

Сиздан кейин келган йўловчи ҳам шундай иккита ёки тўртта абонемент харид қилиб олади, ҳолос, Йўл карточкалари эса янги ойнинг бошланишида сотиб бўлинади. Хўш, энди ўйлаб кўринг, бу аҳволда абонемент сотиш билан шуғулланаётганлар планни бажара оладиларми? Ҳа, дейиш қийин. Чунки абонемент реализацияси кассасиз хизмат кўрсатиш усулига ўтилгандан буён шаҳар жамоат транспортидаги асосий муаммо бўлиб турибди. «Главташпассавтотранс» билан трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаларининг шу кўрсаткич бўйича кўраётган ўртача зарари ярим — бир миллион сўмликдан камаймаяпти. Шундай экан, эҳтимол, абонемент кассаларидан воз кечиш ҳақида ҳам бир бор ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Бундай тўхтамга келишимизнинг ўзига хос сабаблари ҳам йўқ эмас. Энг муҳими, бу кассаларнинг автопарк ёки автокорхоналарига келтираётган зиёнини қоплашда.

Хизмат юзасидан бу йил шу муаммо билан ойлаб шуғулландик. Бекатларда қўзиқоринлардек «сўппайиб» турган абонемент кассаларидаги аҳвол бизни анча таажжубларитирди. Сотувчи асосий ишдан кўра кўпроқ оилавий юмушини бажариш билан машғул бўлади. Қўлидаги тўқиётган кўйлагидан нигоҳини ҳам узмай ўзини уйда ўтиргандек ҳис этади. Хўш, бундай кишиларда қандай қилиб абонемент реализацияси планини бажаришга интилиш бўлсин? Уни қўйинг, баъзи бир бекатлардаги абонемент кассаларининг кўплигини айтмайсизми? Ахир бундай будкалар бир-бирларига халақит берадику? Қолаверса, зарар давлат кассасига ҳам таъсир этади. Абонемент харид қилувчи ёки йўл карточкасини сотиб олувчи йўловчи эҳтиёжини бевосита озиқ-овқат магазинларида ёки нон дўконларида қондириши мумкин. У харид қилган буюмнинг қайтимини бемалол абонементларнинг қиймати қоплай олади.

— Йўловчиларнинг ортидан билетингиз қани? деб югуриб юришларга чек қўйиш вақти етди, — дейди трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси контроль нормативлаш бўлими бошлиғи Сергей Платонов. — Ахир, қачонгача бу аҳвол билан муроса қиламиз. Мамлакатимиздаги бир қатор шаҳарларда аллақачон мазкур усулдан воз кечилган: йўловчиларнинг ўзлари абонементларни қидиришади.

Дарҳақиқат, шаҳримиздаги жамоат транспортларининг иқтисодий аҳволини ўнглаш фақат автотранспортчиларгагина эмас, кенг жамоатчиликка ҳам бевосита тааллуқлидир. Айниқса абонемент реализацияси билан боғлиқ муаммони комплекс ҳал этиш йўлларини қидириш зарур. Бу борада республикамиздан четдаги баъзи бир йирик шаҳарларда тўпланган тажрибалардан фойдаланилса ҳам бўлади. Аммо билетсиз йўловчиларнинг ҳийлаларичи? Кейинги маълумотларга қараганда, ҳар йили республикамиздаги жамоат транспортларида текинга юрган йўловчиларнинг бебошликлари ҳисобига 20 миллион сўмликка яқин зарар кўрилмоқда. Шубҳасиз, бу катта маблағнинг маълум улуши пойтахт шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Демак, одамларни онгли равишда бу муаммони ҳал этишга йўналтириш керак. Уларнинг ёрдамисиз, ўзини-ўзи назорат қилишни йўлга қўймай туриб, билетсиз йўловчиларга қарши курашни кучайтириб бўлмайди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

Дарахт экқан билан

Ҳар йили кўкламда қувончли натижаларга эришилади. Пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш мақсадида манзарали, мевали ва арча кўчатлари экиладн. Районларнинг ободонлаштириш бошқармаларн бу соҳадаги планларини дўндирадилар.

Кейинчи!

Кейин ўтқазилган ёш ниҳоллар кўкарадими, йўқми, бу билан кўпчиликнинг иши бўлмай қолади.

Весна кўчаси билан Сариқўл кўчаларн кесишган ер реконструкция қилиниб, кўкаламзорлаштирилди. Теварак-атрофи бетон тўсиқлар билан ўралиб, юзлаб туп арча, қанчадан-қанча манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Кўклам салқинида билинмади. Куи нсиб кетиши билан сир очилди. Ленни район ободонлаштирнш бошқармаси томонидан неча юз минг сўм сарфлаб барпо этилган бу маскандаги арча, ниҳолларнинг кўпи қовжираб қурий бошлади...

Ленин районида бундай мисоллар кўп. 1, 2, 10, 12-трамвайларнинг Образцов, 5-трамвайнинг Қўйлиқ бекатларидаги дарахт кўчатларн ҳам сувсизликдан қовжирамоқда. Ҳатто бу ерларни кўкаламзорлаштирнш, дам олиш зонасига айлантирнш у ёқда турсин, ахлатхонага айланиб кетган.

— Кўчат ўтқазган билан кўкариб кетавермайди,— дейди маҳалла комитетининг раиси А. Раҳимов, — уни сув бериб, мехр билан парваришлаш керак. Борларига шакл бериб, бачки шохларнни олиб ташлашга нимагадир ободонлаштирувчиларимизнинг кучи етмаяпти. Минг-минг гектарлаб пахта етиштираётган заршуносларн ҳосилни уюшқоқлик билан териб оламиз десалару, ободонлаштирувчилар халққа сояси билан ором бахш этувчи ниҳолнн кўкартириб ололмасалар!!

Ҳа, бу гапларда жон бор! Кўп кўча ва хиёбонлардаги ниҳоллар экқан билан кўкариб кетавермайдику!

И. РУСТАМОВ,

СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Совет Иттифоқи янгиликлари

ОДЕССА. Одесса партия мактаби дастлабки тингловчиларни қабул қилди. Кундузги ва сиртқи бўлимларда Украина ва Молдавиянинг турли областларидан келган икки юздан ортиқ киши машғулотларни бошлади. Булар ишчилар ва колхозчилар, халқ хўжалиги мутахассислари, партия, совет ва комсомол ходимларидир. Ўқув жараёни давомида снёсий система ислоҳотини, янги хўжалик механизмини жорий этиш қандай бораётганлигини таҳлил қилишга катта эътибор берилади.

ЛЕНИНГРАД. Бу ердаги кўчаларга ўрнатилган автомат телефонлар ёрдамида эндиликда мамлакатдаги 800 та шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари билан боғланиш мумкин. Таксофонларнинг янги намунаси кўплаб ишлаб чиқарила бошлади. Бундай таксофонлардан мамлакатнинг барча регионларида фойдаланиш мумкин.

ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ. Бу ерда биринчи марта 16 қаватли монолит уй қурила бошлади. Биноларни қуришнинг бундай илғор усулини қўллаш область марказида уй-жой муаммосини ҳал этишни жадаллаштиради. Яқин вақтларгача шаҳарда сейсмик даража юқори бўлганлиги учун фақат беш қаватли уйлар қурилар эди.

РИГА. Латвия ССР Фанлар академияси ёғоч химияси институтида яратилган «Кофадекс» бўёғи ёғоч конструкцияларни занбуруғ, моғор ва ҳашаротлар таъсирида шикастланишидан пухта ҳимоя қилади. Тиниқ суюқлик консервалаш хусусиятига эга. Ана шу суюқлик суркалган уй деворлари, дераза ромлари, эшиклар камида етти йил давомида ўзининг жозибали кўринишини сақлаб қолади. Олимлар «Кофадекс» олиш учун арзон маҳаллий хом ашёни танладилар. «Латбитхим» бирлашмаси самарали биологик ҳимоя бўёғини кўплаб ишлаб чиқаришга киришмоқда.

БЕЛОРУССИЯ ССР. Березина биосфера қўриқхонаси инсон ўз муҳофазасига олган табиатнинг ноёб регионидир. Унинг бош сув артерияси — Березина дарёси 110 километрга чўзилган ўзига хос ўрмон қўриқхонани кесиб ўтган. Қўриқхона ўлкада баҳайбат зубр ва олийжаноб қийиқлар, бўрсиқ ва сув ҳундузлари, қора лайлак ва скопа, бўрилар ва тулкилар; турли-туман сувда сузувчи жониворлар яйраб яшайди.

СУРАТДА: қўриқхона илмий бўлимининг лаборанти Владимир Косуцкий (чапда) ва Станислав Дулинец Домжерицк ботқоғидаги ёғин-сочин интенсивлигини ўлчашмоқда.

Е. Козюли фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Арзрум йўлида

Гергер қишлоғида очилган меморial музей арман халқининг буюк рус шоири А. С. Пушкинга чуқур ҳурмати ва муҳаббатининг тимсоли бўлиб қолди.

Маълумки, шоир 1829 йилда Закавказьега, туркларга қарши урушда қатнашаётган рус армияси ихтиёрига жўнаб кетган эди. Ана шу кампания давомида Туркия территориясининг катта қисми, шу жумладан арманларнинг кўҳна Арзрум шаҳар-қалъаси босиб олинди. Шоир ўша ерга бораётиб, йўлда Гергер қишлоғида дам олиш учун тўхтаган эди.

Нақларга қараганда, ака-ука Мисак ва Аршак Чшмаритянлар азиз меҳмонни ризқ-насиба билан кутиб олган йўл ёқасида ўтган асрнинг бошларида қурилган уй ҳозир қайта тикланди. Ёғоч каравот, ўймакор жавон, мис идиш-товоқлар ўша давр турмушини акс эттириб турибди. Стендларга арман адабиёти классикларининг Пушкин тўғрисида айтган фикрлари, унинг арман тилига таржима қилинган китоблари қўйилган. Улар орасида муаллифнинг йўл таассуротлари асосида яратган 1829 йил юриши даврида «Арзрумга саёҳат» асари ҳам бор. Китобнинг шоир Гергерда бўлиши тасвирланган саҳифаси очиб қўйилган.

Бу районда дўстлик ва интернационализмнинг асрий анъаналари тоғлар каби мустаҳкамдир. Анъаналарнинг сарчашмасида А. С. Грибоедов, декабристлар, атоқли рус давлат арбоблари ва ҳарбий бошлиқлари турган эдилар. Ҳозир эса бу ерда арманлар билан бирга руслар, украинлар, озарбайжонлар — мамлакатимиздаги 14 миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилишмоқда.

Янгича анъаналар— ҳаётимиз кўрки

Кўнгил файзи

Янги анъана ва байрамларни турмушга кенг ёйиш йўлида Октябрь районидаги Оқлон маҳалласи активлари самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Яқинда маҳаллада биринчи маротаба ўтказилган узум сайли ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

...Кеч соат еттиларда Оқлон маҳалла комитети ҳовлисига Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранлари, маҳалла хотин-қизлари ҳамда ёшлар бирин-кетин кириб кела бошладилар. Бу ердан таралаётган халқ ҳофизларининг қўшиқлари сайлга ўзгача файз киритиб турарди.

Ҳовлининг ўртасига қўйилган узун стол ясатилган. Унга хилма-хил навга тегишли узум бошлари қўйилган эди. Биринчи лаганда пушти нави бўлса, иккинчисида ҳусайни, учинчисида қора гўзал... Шунингдек, сайлга «Каттақўрғон», «Ғалаба» каби бир-биридан ширин узумлар ҳам олиб чиқилган. Лаганлар ёнидаги қоғозга бу узумларни етиштирган ҳар бир кишининг исм ва фамилияси ёзиб қўйилган. Мен қизиқиб соҳибкорларнинг фамилиясига кўз югуртирамаи: Камолхўжа Аҳмедов, Туропхон Муҳаммедов, Маҳамадали Мўминов, Латиф Ҳасанов, Обиджон Сайдалиев ва бошқалар.

Меҳмонлар ва мезбонлар хилма-хил узумлар қўйилган стол атрофидан жой олишди. Улар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солиҳ Умаров, Октябрь район уруш ва меҳнат ветеранлари советининг раиси Ғайбулла Ғуломов, ветераналардан Берди Аҳмедов, 84 ёшли соҳибкор Ямин ота Ҳакимов ва бошқалар бор эди.

Узум сайлига бағишланган йиғилишни маҳалла комитети раиси Муҳаммаджон ака Усмонов қисқача кириш сўзи билан очди.

Йиғилганлар турли хил узумлардан татиб кўра бошладилар. Кўпчиликка миршкор-соҳибкор Туроп ака Муҳамедов, Ямин ота Ҳакимов, шунингдек ёшлардан Маҳамадали Мўминов, Қобил Расуловлар ҳовлисида етиштирилган узумлар мақсул бўлди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига етиштирилган узумлар ўзининг ширинлиги, касалликка чалинмаслиги, доналарининг бўлиқлиги билан ажралиб турарди.

Дастурхон атрофида ўтирган катта-кичик мўл узум ҳосилни етиштиришнинг «сирлари ҳақида бир-бирларига гапириб бера бошладилар. Айримлар ҳатто ўзаро баҳслашиб ҳам кетдилар.

— Буни қаранг, Туроп ака, — ёш соҳибкор Саттор Қораboев бугунги сайлининг голиблардан бирига мурожаат қилади, — мен ҳар қанча парваришга зўр берсам-да, етиштирган қизил узумимнинг доналари бўлиқ эмас-а! Бунинг «сири» нимада бўлиши мумкин!

Туроп ака жилмайди. У ёш йигитнинг саволи шунчаки йўлига берилмаганлигини юракдан ҳис қилди. Йигитнинг кўзларидан узум етиштиришга қизиқиши, бундай сайлда ўз меҳнатининг қувончини кўриш ишқи борлигини пайқагач шундай деди:

— Ҳар бир нарсанн меҳр билан парвариш қилиш керак. Меҳрда гап кўп, ўғлим. Агар узумларингни кўринишн чиройли, доналари тўлиқ, касалликка ва ҳашаротларга чидамли бўлсин десанг, аввало, кесиш ва хомтокка катта эътибор бер. Агар токка тўғри шакл берилса ва ўз вақтида хомток қилинса мўл ҳосилга пухта замин яратилган бўлади. Қизил узумни хомток қилаётганда усти очиб ташланса, ҳосилдан айрилиб қолиш ҳеч гап эмас. Бундай узумни хомток қилаётганда, унинг фақат паст қисмидан барглариии олиб ташлаб, шамоллатиш керак. Шунда қуёш нури тўғри тушиб, узумни офтоб урмайди.

Мен уста соҳибкорларнинг ёшларга айтган сўзларини тингларканман, кейинги йили бўладиган сайлни ҳаёлан тасаввур қиламан: бугунги сайлда отахон соҳибкорлар кўп бўлса, кейинги йили уларнинг ёнида шогирдлари ҳам куч синашга бел боғлаб турадилар. Демак, Оқлон маҳалласида уста соҳибкорларнинг муносиб ўринбосарлари етишаверади. Эл дастурхони ноз-неъматларга тўлиқ бўлади.

Узоқ давом этган узум сайли маҳалла аҳолисини янада бир-бирига яқинлаштирди, аҳиллик ва иттифоқликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди. Узум сайлининг асл мақсади ҳам шу эди.

Бу кичкинагина байрам биргина маҳаллада ўтди, аммо файзи атрофдагиларнинг юрагига кўчди. Бу биргина халқ сайли йўқолиб бораётган узумларимизнинг қайта тикланиш йўлидаги дастлабки қадам бўлди.

А. МАДРАҲИМОВ, СССР Журналистлар союзи аъзоси.

Учрашув

Ҳажвия

Эшитмадим деманглар: каминанинг елкасига «олахуржин» осиладиган бўлди. Полвон бухгалтер биз юборган совчиларга, ҳўп депти! Шанба куни патир синдириш, келгуси ойнинг бошида тўй!

Келин бўлмиш — Сайёрахон ҳам жа ўзимбоп! Ҳусну латофати ҳақида гапирмасам ҳам бўлаверади (буёғи ўзимга сийлов-да!). Аммо... жаҳллари бурунчаларининг учида тураркан. Илк учрашувимиздаёқ менга «Кўзингиз мунча олма термаса?» деганди. Ростини айтсам, бир ёстиққа бош қўймасимизданоқ «империя» тепасига хоним чиқиб олдилар!..

— Булар ҳали ҳолва, — деди бир куни дардимни обдон тинглаган Рўзибой жўрам елкамга қоқиб. — Тўйдан кейин кўрасан томошани.

— Йўғ-э?!

— Ҳали ҳам бўлса даврингни суриб қол, кейинроқ қулоқ қимирлатиб бўпсан!

Чорак аср яшаб, қиз бола зотига кўз олайтирган эмасман. Очиғи, унақа ишларга уқувим йўқроқ. Аммо қадрдон жўрамнинг сирли гапларидан этим жимирлаб кетди...

...Бай-бай, мунақаси бошқа туғилмаса керак: афсонавий фариштанинг худди ўзи-я! Исми ҳам жисмига монанд Фариштa бўлса не ажаб! Оламдаги жамики гўзалликнинг жонли тимсолн бўлгач, Фариштa демай нима дейман? Ойдек кулча юзига хушбичим бурунчаси қуйиб қўйгандек, қайрилма қошлар тагида бир жуфт қуралай кўзи бир зумда сеҳрлаб қўяди. Келишган қоматига бўлиққина билаклар монанд, икки ўрим сочи... Қаршимда ўтирган офатижоннинг ҳам юрагида шундай гўзал туйғулар жўш урмаётганига ким кафиллик бера олади! Шу онда Рўзибой жўрамнинг «насиҳат»лари ёдимга тушди: Фаришталн гапга солиш керак!

Метронинг сўнгги бекатида унсиз қўзғолдик. Бенхтиёр унга эргашдим. Қиз айни Қибрайга бориладиган катта йўл четидаги кимсасиз бекатда тўхтади!

— Биласизми, сизни қачондир кўргандайман. — Гап қотдим унга бехтиёр бир одим ташлаб. — Бизнинг Қибрай томонга кетяпсиз шекилли?

Фариштанинг энди каминага нигоҳи тушди-ю, узоқ танишини эслашга уринаётгандек қошлари чимирилди, юзида хиёл табассум жилва қилганча бош ирғади.

— Студент бўлсангиз керак-а? — тағин бош ирғагач, унга яна бир одим яқинлашдим. — Мен эса яқинда дипломли бўлганман! Исмим — Музаффаржон. Сизники... шу... Йўқ, эслолмаяпман.

— Сизга исмимни айтмаганман! — Фариштадан чиққан биринчи садо шу бўлди...

— Айтмаган бўлсангиз, энди айтасиз-да!

— Нега энди?

— Мана, паспортимни кўринг — уйланмаганман! Севгининг кўчаси шу кунгача каминага бегона бўлган. Сиздек гўзални кўриб эс-ҳушимдан айрилдим, гапнинг дангали, бўйдоқлигимга шукур қиляпман.

Телба-тескари гапларимга Фариштa шўхчан табассум ҳадя қилди! Рўзибой жўрам айтганидек, гап қиёмига етди! Пайт пойлаб Фариштанинг билагидан тутдим...

— Э, ёпишманг! Бу қанақа қилиқ? Ол қўлингни!.. Жинни...

...«Тошкент — Қибрай» автобуси бекатга келиб тўхтади. Фариштa ўзини автобусга урди. Мен ҳам орқа эшикдан автобусга чиқдим. Чиқдим-у... ўртадаги «йўлкада» ҳалиги Фариштa билан кўришаётган Сайёранимга кўзим тушди. Фариштa Сайёранинг қулоғига нимадир деб шивирлади, сўнг мен томон ўгирилиб қўлини бигиз қилди:

— Анави башараиг қурғур шилқимни айтяпман!..

Бўлғуси хотинимн ялт этиб кўзимга қаради...

Тўлқин ЭШБЕКОВ.

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

Йигит сўзи битта

Интермедия

Магазин директори Турғунбек Давриевнинг кабинети. Кабинет эшиги тақиллаб, хонага қўлларини олдинга чўзганча, икки букилиб Қўшибиддин Ёзишев кириб келади.

— Ассалому алайкум. Турғунбек Давриевич! Мумкинми?

— Келинг, хўш хизмат?

— Шу сизнинг қўл остингизда ишлашни ният қилиб келувдим.

— Хўп, нима ишни ният қилиб келдингиз?

— Ёотувчиликми, майли, омбор мудирлигими...

— Ўзлари ким бўладилар?

— Менинг исми-шарифим Қўшибиддин Ёзишевич. Отам номним жуда топиб қўйган эканлар, ризқи-насибага хўжайинларниям қўшиб юришни яхши кўраман.

— Бу жуда соз. Хўш маълумот қанақа?

— Олий. География.

— И-е?

— Энди, Турғунбой Давриевич, қаердан қандай мол олиб, қаерда тинчитишни билиш учун ҳам география керак-ку?!

— Маъқул, маъқул. Хўш, ҳисоб-китобга қандайсиз?

— Ишқилиб, «ирими кўп, чиқими кам», «касса плюс кисса», «биз қўшув акамиз» қилиб ҳисоблаб юрамиз ҳамма нарсани.

— Яхши, яхши. Хўп, агар иккига иккини қўшса қанча бўлади?

— Анча бўлади! Лекин қанча бўлгандаям сизни албатта қўшаман, ярми сизники, йигит сўзи битта!

— Бўпти, ваъдага вафо! Ҳужжатларингизни топшириб, омборни қабул қилиб олаверинг.

(Орадан маълум бир вақт ўтди. Ўша хона. Қўшиббидин Ёзишевич югуриб кириб келди).

— Ҳўжайин, ҳўжайин, тамом бўлдик, қўлга тушдик! Вой, омборни тўсатдан ревизия босиб қолди. Беркитилган молларни топиволишди, кассаниям печатлашди, сохта накладнойларниям йиғиб олишди. Адо бўлдик, Турғунбек Давриевич. Пешонамиз ярқираб ўрнига шўрқираб қолди.

— Баттар бўл, ўзингдан кўр. Аммо, ука, мени аралаштирма бу ишга. Агар қамалиб кетсанг ҳам ўзинг қамаласан, менга берган пулларингни, пораларингни ҳеч кимга гапирма.

— Э, йўқ ҳўжайин, чучварани хом санабсиз. Мен сизга ваъда бериб қўйганман, сизни қўшмасам бўлмайди. Энди буёғига қанча беришса ҳам ярми сизники бўлади. Йигит сўзи битта!!!

Алишер САЪДУЛЛАЕВ.

№ 9 (23)

Гапириш маъқулми ёки ёзиш

Англиялик Жон Стивенсоннинг қизиқ бир одати бор. У хат ёзишни яхши кўради. Мана бир неча йилдирки, у умуман телефондан фойдаланмайди, ўз ходимларидан ташқари бошқа одамлар билан шахсан гаплашмайди — ҳамма муаммоларни ёзма равишда ҳал қилади. Бу масалада унинг ўз назарияси мавжуд: унинг ҳисоблашича, нохуш ва кўнгилсиз хабар эшитиш эҳтимоллиги камаяди. Кейинги вақтларда у хат орқали муомала қила бошлашиданоқ, дўстлари, танишлари ва ҳамкасблари билан дўстона, илиқ муносабат ўрнатилди, унинг душманлари севиларли даражада камайди, энг муҳими, унинг характери ва соғлиги яхшиланди.

Стивенсонда бу ғалати одат қандай пайдо бўлган, деб сўрашганда, у шундай деб жавоб берди: «Бу — асримизнинг жадал суръатда ўсиб бораётган битмас-туганмас ахборотларига менинг норозилигимдир. Ҳақиқатда, ўз фикрингни ёзма равишда билдиришдан кўра, айтиб қўя қолиш осон, ҳам тезроқ, лекин ёзгунингча, биринчидан, ҳамма айтадиган фикрингни яхшилаб ўйлаб оласан, иккинчидан, вазият бир неча марталаб ўзгариши мумкин».

Шунинг учун ҳам ҳар бир гапни гапиришдан олдин яхшилаб ўйлаб, мулоҳаза қилиб олайлик, чунки айтадилар-ку, «етти ўлчаб, бир кес» деб.

Саводсизликдан даромад

Париж магазинларидан бирининг пештахтасида осиғлиқ турган эълон ҳамма вақт хато ёзилган ва шу сабабдан анча кулгили бўларди. Бир куни шу магазин олдидан ўтиб кетаётган ўқитувчи одам бу эълонга диққат билан қараб, магазин эгасига унинг хато ёзилганини ва бунинг устига кулгили эканини айтганда, у шундай деб жавоб қилди:

— Буни мен атайлаб қилдим. Одамлар мени бефаҳм, ақли пастроқ экан, деб ўйлаб, магазинимдан харид қилишга қизиқиб қоладилар. Бундай «чаласаводлигим» туфайли савдо-сотиқ ишларим юришиб кетди, натижада даромадим уч баробар ошди.

Омонбек ХОЛБЕКОВ.

Сенинг чўкканинг...

(РИВОЯТ)

Икки дўст бор эди аҳил ва иноқ,
Қувончли кунлари табриклашарди.
Ташвишли дамларда бу икки ўртоқ
Ҳол сўраб, дардлашиб бирга яшарди.
Дерди бир-бирига:
— Сенинг ташвишинг менинг
ташвишимдир,
— Сенинг қувончинг менинг
қувончимдир,
— Сенинг ишларинг менинг ишимдир.
— Сен ичсанг, мен кайф қиламан,
— Сен йиқилсанг, мен майиб бўламан,
— Сен ухласанг, мен туш кўраман,
— Сен калтак есанг, мен ихраб юраман.
Бир куни биттаси катта дарёда
Сув ютиб ғиқиллаб чўка бошлади.
Иккинчиси туриб қирғоқда
Дўстига илжайиб назар ташлади.
Ва деди:
— Эй, дўстим қайғурма зинҳор,
Ҳамиша сенгадир ҳурматим маним,
Дилдаги гапимни айтаман такрор;
Сенинг чўкканингдир менинг, чўкканим.

Ҳайдар МУҲАММАД.

Порахўр

Иблисга ўртоғу шайтонга устоз,
Бошлиққа ялтоғу тобега дароз.
Жиндек узатганга сотар виждонин,
Сариқ чақаларга берган имонин.
Ким?! — деб сўрасалар,
Дейман, «Порахўр».
Ниқоб ҳам киймаган, асли юзи йўқ,
Рангу ёруғликни кўрар кўзи йўқ.
Юрак ҳам битмаган вужуди ўпқон,
Виждон ўрнига ўрнатган ҳамён,
Ким?! — деб сўрасалар,
Дейман, «Порахўр».
Саводсиз нодонни билимдон деган,
Ношуд бир кимсани қаҳрамон, деган.
Яхши одамларни гўл, ёмон деган,
Ялмоғиз кампирни оҳ, жонон деган,
Ким?! — деб сўрасалар,
Дейман, «Порахўр».
Унинг жони, дўстлар, жиндай порада,
Пора чўзгувчилар бор-да орада.
Иккисига аста қўйинглар тузоқ,
Тезликда тузоққа илинган шу чоғ,
Ким?! — деб сўрасалар,
Дейман, «Порахўр».

Бир қайнови ичида гаплар

- Автобус кутиб ўтирамизми, юр, Акбарга миниб кетамиз.

(Бекатдаги суҳбатдан).

- Дастурхонга қаранг.

(Мезбоннинг меҳмонга илтифотидан).

- Куни билан машинада ўтирдим.

(Тинчувчининг гапи).

- Ов қалпоқ, қаёққа борасиз?

(Таксичининг мурожаати).

- Ота-онам бизни бўлак қилиб ташлашди.

(Рўзғори бошқа бўлган ўғилнинг гапи).

- Шеърларим билан газетага чиқдим.

(Ҳаваскор шоирнинг дегани).

Раҳматилла НУРИДДИНОВ, Самарқанд область, Иштихон райони.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

— Лекция ўқидингми?
— Муҳр бостирдим.
— Темаси нима эди?
— Улар ҳам сўрамадн, мен ҳам айтмадим.
— Ундай бўлса «Расмиятчилик бизнинг жамиятимиз учун ётдир» деб ёзиб қўй.

●

— Баъзи бир докторлар пора олармиш, ростмикин, сен шунга ишонасанми!
— Йўқ.
— Билмадим, шунақа гаплар қулоғимга чалиниб туради.
— Қизиқ экансиз, «Қўлим енгил бўлсин» деб олмаса бўладими.

●

— Имтиҳон олаётган профессор студентга юзланди:
— Қадимги грек театрининг ҳозирги замон театрларидан фарқи нимада!
— Бизнинг театрларимизнинг кафе-буфетлари бор, домла, — жавоб берди студент.

●

— Сен машинанн яхши бошқара оласанми!
— Албатта. Фақат йўл кафтдек текис бўлса, сўнгра, йўлларда телеграф ёғочи, яна кўприк бўлмаса.

●

— Сотаётган қора мурчингиз аччиқми! — мурч сотаётган чолга тегажоқлик қилиб гап қотди эзма йигит.
— Ҳалигача биронтаси мурчингиз ширин экан деб қайтариб келтириб берганича йўқ,— деб жавоб берди у.

●

— Дўстим, нега ғамгинсан!
— Севганим ва севилганим учун.
— Бу катта бахт-ку.
— Нима қилай, севганим бошқа, севилганим бошқа-да.

●

Бир йигит ўз севгилисини уйга бошлаб келди.
— Агар бундан кейин шу қизни кетингдан эргаштириб келсанг, мендан хафа бўлма, — деди отаси.
— Хўп бўладн, дадажон. Кейингси сафар олдимга солиб келаман, — жавоб берди ўғли.

Одил ТОҲИРОВ тайёрлаган.

Рассом табассуми

— Шундай қилиб, ншга қабул қиламиз, нчмайсизми — чекмайсизми!

Она: — Дадангга ёрдам берсанг бўлмайдими!
Ўғил: — Мен дарахт йиқилиб кетмасин деб ушлаб турибман-ку.

— Зап яхши одатларимиз борде онажон, ҳамма ариза кўтариб келаверадн.

— Ие, овозн ўчиб қолдн-ку...
— Ҳар доим бир ҳил айтадн.
— Учанн рост бўлсин-е...

Е. ОДИЛОВ чизган расмлари.

Автомат олдида— маймунлар

Япониялик бир репортёр Осака шаҳри яқинида яшовчи маймунлар ўзларини «одам сингари» тутаётганликлари ҳақида хабар топди. Унда туристлар учун белгиланган автомобиль қўйиш жойи яқинидаги автомат олдига келиб, юз иенни тирқишдан ташлаб, автоматдан мева шарбатли банкани олаётганликлари ҳақида айтилади.

Репортёр «миш-миш»ни текширишга шошилди. Ҳақиқат эса «шоҳид бўлганлар» ҳикоя қилганларидек қизиқ бўлиб чиқмади. Ҳар куни маймунлар ўз овқатланадиган жойларига кетишларида автоматлар ёнидан югуриб ўтадилар. Улар бу ерда турист тангани автоматга ташлашини кутадилар. Шундан сўнг туристни ҳайдаб юбориб шарбатли банкани юлқиб олиб, қочиб қоладилар. Маймунлар банка қопқоғини очишнинг моҳир устаси бўлиб олганлар.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.



Йўлда. Р. Шарипов фотоси.

Ярми матал ярми мақол

- Тилаб олган қарз, бошга бало фарз.
- Гапдоннинг гапи узун дум, ақли калта хум.
- Қийшиқ оёқдан кўра соғ эгри қўлдан қўрқ.
- Мансабга таянма, билимнинг таянч.
- Давосиз тиш бор, омбур шифокор.
- Баъзан атиргул ҳам тикондек санчилади.
- Виждон — энг яхши назоратчи.
- Қингир ғишт, қирқ йилдан кейин ҳам қингир ғишт.
- Софюрак — довюрак.
- Касаллик сўрамасдан ёпишади.

Анвар МИРЗАЕВ.

Чин Раъноми, ё саробмидинг?

СУРНАН навоси авжида эди. Тўй шодиёнаси ҳар ёнга баралла таралаяпти. Кенг чаманзор баҳор либосида ястаниб кўринади. Оқ ҳарир кўйлакда, сарғишга озгина мойил қаро сочларн патила-патила, мовий турна кўзлари меҳр билан кулиб Раънохон шу чамандаги гул-лола-ю майсаларни этаклари шамолида тўлқин урдириб, гўё муаллақ ҳолда югуриб келарди. Парирухсор бу бева жувон билан бир неча йил илгари диллашганман. Энтикиб уни чақираман:

— О, Раъно!..

У ёнимга келармикин, йўқми деб чаманзор этагида тўлғонаман, ҳаяжонданми бирдан ўзим-ўзимдан йўқоламан.

Самолардан сеҳрли ндго кабн Раънохоннинг ширали овозн келади:

— О, Бадриддин ака, азизим Бадриддин!

Ия, Раънохон, нега тоза ҳисларимни азоб тўлқинида ўйнатиб, севгида менга рақиб этиб «Бадриддин» исмини айтаяпсиз? Ахир меннг хону-моним, жони-жаҳоним Сиз-ку! Нега Бадриддин деб мени ўртайсиз? Ким у Бадриддин? Нозик қалбингизга тавалло қилганларим, тўлқиндек индо-ю севгининг гадосидек илтижо этганларим етмаганмиди?!

Хаёлимдан шу ўйларни ўтказиб тургандим, Раънохоннинг чаманзорда бошқа томонга оққушдек елиб бораётганини кўрдим. Яна самолардан унинг ширали сеҳргар овози келди:

— О, Бадриддин ака! Азизим Бадриддин!

...Қаранг, мен бирдан рашк ўтида куйиб-ёниб уйғониб кетдим, кўкемга «туф-туф»лаб, «хайрият, тушим экан» деб шукроналар айтдим, ўзимга келгач рашк олови ичидан хаёлан қайтдим, кейин нималарни ўйладим? Айтаймн? Мана меннг юрак садоим:

Раънохон исмли сўлим бу жувонни севардим, чиндан севардим, у билан умрдош бўлмоқчи эдим, оҳ, афсус, тақдир тақозоси билан унга етишмагандим. Чин муҳаббат битта бўлади. Ҳалиям шу муҳаббатимга ндго қиламан.

«Ҳайронман. Тушларимга нега кираяпсиз, Раънохон? Исмингиз маъносидек — гўзал, чин Раъномисиз, ё Карбало даштида карвонлардаги чаққоқ одамларга гоҳ кўм-кўк кўл бўлиб, гоҳ суюклнсинн нитнзор нзлаб бораётган қаҳрамон йигитга пари-пайкал бўлиб кўринадиган алдамчи саробмисиз?! Майли, сароб бўлсангиз ҳам чин муҳаббат қўйган дилни кабоб қилмай тушларимга кириб туринг. Лекин юракдан бир нолам, ўтинч-илтижоим бор. Тушда бўлса ҳам Бадриддин деганнинг номини менга эшиттирманг, Раънохон чунки бир юракка икки муҳаббат сиғмайди, зеро Сизнинг юрагингиз ҳам инсон юраги-ку».

Кўнгилдан ўтган гап

ИНСОН табнатнинг бир зарраси бўлгани учунми, бутун борлиқ-вужуди олам билан ҳамоҳанг бўлиб туради, юрак гурсиллаб уради, сув ер шари узра оққанидек, аъзойи-танда қон ҳам чарх уриб айланади, ҳаммаси бир-бирига оҳангдош бўлиб, бир-бирига хабар бериб туради. Ўта зийрак одам, қалби тоза одам, қарангки борлиқдан келадиган ҳодиса-воқеани олдиндан сезади. Содиқжоннинг ҳам юраги тоза, хулқ-одоби покиза йигит, бир нарсани ўйласа, ўша турмушида албатта юз берадн.

— Ойижон, шу гап кўнглимдан ўтган эди, қаранг, юз берди-я, — дейди Ҳури аяга у.

Шингил ҳикоялар

Онаси ўғлини суюб, гўё каромат қилади:

— Дилинг пок, ўғлнм, ўзинг моҳир шифокорсан, доим яхшн ният қиласан, одамлар дардига даво топасан.

Чиндан ҳам Содиқжоннинг нияти доим яхшн, бир ўғли, икки қизи борлигнга, хотини Лайло латофатли, чиройли, қувноқликда «бир қоп ёнғоқ» эканига ич-ичидан шукрона айтади. Лекин кейинги кунларда Лайлонинг юриш-туришида, хулқ-иффатида Содиқжон қандайдир ўзгаришни сезиб, кўнглидан ёмон гап ўтадиган бўлиб қолди: «Хотиним ким биландир ўйнашяпти шекилли. Магазин мудири Рустам нега уни «кеч қолди» баҳонаси билан «Жигулисн»да бир-икки марта олиб келиб қўйди... Бунда бир сир бор, кўнглимдан ўтяпти, уни текшириб кўришим керак».

Эртаси куни кечқурун Содиқжон Лайло ишлайдиган магазин олдига бориб, бир четда яшкрнинб турди. Лайло «ҳил-ҳил» юпқа шойи кўйлакда зарғалдоқ шафтолидек ярақлаб магазнн орқасидаги эшикдан чиқди, Рустам «Жигули»нинг ён эшигини очди. Лайло ўтирди. Мудир билан сотувчи гул янглиғ очилишиб кулишишди, бошларини бошларига тегизишиб нозу оҳанг қилишди, сўнг машина кескин бурилиб, елиб кетди. Содиқжон турган ерида симёғочдек қотиб, доғда қолди.

... Во ажаб, юраги лов-лов ёнинб-ўртаниб Аиқор бўйидан келаётган Содиқжон кўк майса устига одеял солиб, Лайлони бағрига босиб ўтирган Рустамга тўсатдан кўзи тушди. Улар энтикиб, узоқ ўпишаётгани учунми, Содиқжоннинг яқин келиб қолганини ҳам сезишмади.

Содиқжон алам-аччиқ билан қаттиқ йўталди, шу зум Лайло шаҳло кўзларини ярқ эттириб эрига қарадн-ю, қизариб-бўзариб кетган юзини чангалига олиб нзтиробли ндо қилди:

— Вой ўлнй!..

— Ўлдинг, нфлос! — Содиқжон бу сўзларни овози титраб айтди-ю, ерга қаҳр билан туфурди, кейин шаҳдам қадам билан тўғри йўлкадан югураётгандек тез юриб кетди.

Хулқ-атвори ўз исмига ўхшаган Содиқжоннинг шунақа қатъий одати бор эди-ка, ташлаган туфугини қайтиб оғзига олмасди. У шу дамда қалби ёниб, бошидан қора тутун ўрлаб чиқаётгандек ҳолатда бораркан, бир ўғли, икки қизи беномусннинг касофати билан тирик етим бўлиб қолганига ўртанар, энди ҳаётини қандай қайта қурншни ўйлар эди.

Менинг ширин армонларим

БИР ДОНО кишн шогирдига дунёнинг ншлари бир кам икки эканини таъриф қилиб, борлиқда нимаики нарса бўлса ҳаммаси бир-бирини доимий емирнб туришини айтди.

Шогирди сўради:

— Устоз, ҳаётда нима нарсалар нима нарсаларни емириб туради?

Доно кишн айтди:

— Темирни — занг, дарахтни — қурт, тупроқни — сув, одамни — ғам емиради. Тарихда бунга мисоллар кўп... Агар билмоқчи бўлсанг, меннг рўёбга чиқмаган ширин армонларим юрагимни каламушдек кемириб, қон-зардобга айлантириб ётади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИЗОРИНГИЗ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ? АЪЛО ДАРАЖАДА!

ЧУНКИ УНИ ХАРИД ҚИЛИШ ОЛДИДАН «ОРБИТА-СЕРВИС» ТЕХНИКА МАРКАЗИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ КЎЗДАН КЕЧИРИШГАН, ИШЛАТИБ КЎРИШГАН ВА ЯХШИЛАБ СОЗЛАШГАН!

1988 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН МАИШИЙ РАДИОЭЛЕКТРОН АППАРАТУРАЛАРНИ СОТИШДАН ОЛДИН ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН!

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Сотиб олаётган радио аппаратураларингиз албатта техник кўрикдан ўтказилишини кузатинг — бу носоз буюм харид қилинишининг олдини олади.

Ана шундай кўрик ўтказилганлигидан паспортдаги белги, шунингдек ишлаб чиқарувчи заводнинг ёки «Орбита-Сервис» техника марказининг пломбалари далолат бериши керак.

Харид қилинган радио аппаратурага сотилган кунидан бошлаб кафолат берилади.

Рангли ва қора-оқ тасвирли телевизорларни уйларда яқин орада жойлашган «Орбита-Сервис» техника марказининг малакали мутахассислари ўрнатишлари лозимлигини унутманг.

ТЕХНИКА МАРКАЗЛАРИ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Чилонзор район техника маркази — Пионер кўчаси, 27, тел. 77-10-73, 77-27-05, филиали — Чилонзор кўчаси, 83, тел. 77-11-66.

Акмал Икромов район техника маркази — Фарҳод бозори, тел. 77-44-52, филиали — 21 квартал, 33-уй, «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ётоқхонаси, тел. 75-85-98, яна бир филиали — З. Саид кўчаси, Маиший хизмат уйи.

Октябрь район техника маркази — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти. Марказ — 14 квартали, 23-уй, тел. 44-17-01, 44-17-03, 44-17-02, 44-11-26, филиали — Навоий кўчаси, 16, тел. 41-54-23, 41-59-81, 41-58-87, яна бир филиали — Беруний кўчаси, Маиший хизмат уйи. Марказ-27, тел. 42-23-60.

Собир Раҳимов район техника маркази — Қорақамиш 1/2, Маиший хизмат уйи, тел. 48-54-57, 48-70-95, филиали — Қорақамиш 1/3, Маиший хизмат уйи, тел. 46-07-09, 46-63-46, филиали — Студентлар шаҳарчаси, 18-ётоқхона, тел. 46-15-96, филиали — Шифокорлар шаҳарчаси, Маиший хизмат уйи, филиали — Қорақамиш 2/1, Маиший хизмат шаҳарчаси.

Киров район техника маркази— Юнусобод, 2-квартал, 7-уй, тел. 21-38-77, 21-45-15, филиали — Юнусобод, Аҳмад Дониш кўчаси, 13-квартал, 3-уй, тел. 24-95-77, филиали — Энгельс кўчаси, 98, тел. 35-08-51.

Куйбишев район техника маркази — Черданцев массиви, 2, тел. 62-84-46, 62-84-57, филиали — Луначарский шоссеси, 214-«а» уй, филиали—4-Қорасув массиви, Маиший хизмат шаҳарчаси 2-уй, тел. 65-69-40.

Ҳамза район техника маркази — Лисунов кўчаси, I квартал, 111-уй, тел. 97-45-71, 96-38-71, филиали — Лисунов кўчаси, 17, тел. 96-43-52.

Ленин район техника маркази — Куйбишев кўчаси, 36, тел. 33-57-76, 33-31-02, филиали — Кафанов кўчаси, 65, тел. 55-73,60, филиали — Ленин кўчаси, 73, тел. 56-78-96, филиали — Қўйлиқ—2, 32-уй, тел. 90-02-21.

Фрунзе район техника маркази — Б. Хмельницкий кўчаси, 85, тел. 55-56-18, филиали — Б. Хмельницкий кўчаси, 83, тел. 55-14-60, филиали — Сапёрлар кўчаси, 6, тел. 55-24-57.

Сергели район техника маркази — Сергели—2, 8-уй, тел. 58-27-30, 58-25-15, филиали — Спутник, 7-квартал, 46-уй, тел. 58-35-88, филиали — Чоштепа кўчаси, 140, филиали — 5 Б-Қўйлиқ массиви, 121-уй.

«ОРБИТА-СЕРВИС» ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕХНИКА МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Канализация ётқизилиши ва Московская кўчасининг Биродарлик кўчасидан Дўстлик кўчасигача бўлган қисми 14 сентябрдан 3 ойга ёпилиши муносабати билан транспорт маршрутларининг ҳаракати қуйидагича ташкил этилади:

— 40 «с», 98-маршрутлар Сергели кўчасидан Московская кўчаси бўйлаб Дўстлик кўчасигача ва шу йўналишда орқага;

—«58 «э» маршрути Смоленская кўчасидан Московская, Дўстлик, Днепр, Смоленская кўчалари бўйлаб ва шундан сўнг ўз маршрути бўйича;

— 75-маршрут Сергели кўчасидан Московская, Дўстлик, Днепр, Белорусская кўчалари бўйлаб Саноат зонасигача;

— 66, 177-маршрутлар Белорусская кўчасидан бир йўналишда Биродарлик, Қарбишев, Дўстлик, Московская, Смоленская, Днепр кўчалари бўйлаб ва шундан сўнг ўз маршрути бўйлаб.

Справкалар учун телефон: 55-29-27.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг транспорт ҳаракатини мувофиқлаштириш бошқармаси.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ!

ГТС ирригацияси ва кўкаламзорлаштириш «СПЕЦРЕМСТРОЙ» трестининг

СУВ ҚУЙИШ ВОДОПРОВОД ҚУРИЛИШИ БОШҚАРМАСИ

нақд пул тўлаш йўли билан

ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Металл токзорлар, гаражлар, дарвозалар ва бошқа металл шакллар қуриш ва ремонт қилиш, санитария ва иссиғиш шохобчаларини ремонт қилиш ва қуриш.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700121, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 158-«а» уй.

Телефонлар: 53-09-80, 53-18-58.

Сергели районидаги
37-ПОЛИКЛИНИКА
участка терапевтлари ва невропатологи
вакант вазифаларига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Поликлиника амалий ва илмий ишлар учун қулай шароитлар ва замонавий техник имкониятларга эга.

Ҳужжатларни юборнш муддати (кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа) — **30 сентябргача ва қуйидаги адресда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Спутник кўчаси, 5-уй. Телефон 58-38-01.

ДИҚҚАТ, КОНКУРС!

«Тошкент оқшоми» газетаси редакцияда ишлаш учун малакали корректорлар конкурсини эълон қилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: 32-55-39, 32-55-21.

Яқинда Тошкент милиция мактаби 56-марта ўз битирувчиларини хизматга йўллади. Ёш офицерлар республикамизнинг турли районларида халқ осойишталигини сақлашда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Шарафли, аммо ўта масъулиятли хизматларини эл олдида ёруғ юз билан ўташларида катта муваффақиятлар тилаймиз. Зеро, уларнинг Ички ишлардаги фаолияти энди бошланяпти.

СУРАТЛАРДА: битирув кечаси тантаналарида.

С. Михайлов фотолари.

Бу—қизиқ

Хитой аҳолиси қариб қолмоқда

Келгуси эллик йил мобайнида Хитой аҳолисининг кескин «қариб кетиши» кутилмоқда. Шу давр мобайнида 65 ёшга кирган ва бу ёшдан ҳам ўтган хитой гражданлари қарийб тўрт баравар кўпаяди. Бу қарияларнинг умумий сони 260 миллион кишига етади. ХХРнинг демограф олимлари «Гуанмин Жибао» газетаси мухбирларига шуларни айтишди.

Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1990 йилда қариялар хитой аҳолисининг 5 процентини ташкил этади. 2040 йилда эса қариялар салмоғи 17 процентдан ҳам ортиб кетади. Шу кўрсаткич бўйича ХХР Швеция, ГФР ва Япония сингари «қариб бораётган мамлакатлар» қаторидан жой олади.

Хитой олимларининг фикрича, аҳолининг қариб бориши кўп масалаларни ўртага қўядики, уларни ҳозирги вақтда ишлаб чиқиш ва ҳал этиш керак.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Фауст**, 14/IX да **Севги ҳақида афсона.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IX да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Қора камар** (19.00), 14/IX да **Келинлар кўзголони** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистлари иштирокида янги программа** (13, 14, 15/IX да 19.30 да).

Кино

13 СЕНТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ» (18.30, 21.00).

«ҲАМИША БИРДАЙ БЎЛАВЕРМАЙДИ», «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (17. 20.00).

Чайка — «АЛЛО, ТАКСИ» (17, 19, 21.00);

Москва — «ДИСКО РАҚҚОСИ» (18.20, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «БИРИНЧИ БЎЛИБ УР, ФРЕДИ» (жуфт соатларда).

Нукус — «МУҲАББАТ ҚУДРАТИ» (18.15, 21.30).

Ватан — «МООНЗУНД» (18.30, 21.00).

Фестиваль — «МООНЗУНД» (21.30).

Восток — «КИНГ-КОНГ» (18.30, 21.00).

Хива — «ҲАЙДОВЧИ ҚАРШИСИДАГИ ШАЙТОНЧА» (21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ИШҚ ЖОДУСИ» (18, 21.30).

14 СЕНТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «ҲАМИША БИРДАЙ БЎЛАВЕРМАЙДИ», «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (11, 14, 17, 20.00).

Чайка — «АЛЛО, ТАКСИ» (13, 17, 19, 21.00); «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (11, 15.00).

Москва — «ДИСКО РАҚҚОСИ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «БИРИНЧИ БЎЛИБ УР, ФРЕДИ» (жуфт соатларда).

Нукус — «МУҲАББАТ ҚУДРАТИ» (11, 13.30, 16, 18.15 21.30).

Ватан — «МООНЗУНД» (11, 13.30, 16, 18.30 21.00).

Фестиваль — «МООНЗУНД» (21.30).

Восток — «КИНГ-КОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Хива — «ҲАЙДОВЧИ ҚАРШИСИДАГИ ШАЙТОНЧА» (21.30);

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»-нинг
2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ
2-йирик панелли уйсозлик заводидаги
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бош инженер ўринбосари, 1-бош корпуснинг цех бошлиғи ва бетон узели бошлиғи.

Номзодлар махсус олий Маълумотга ва амалий иш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Аризаларни бериш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун.

Аризалар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 21-уй. Телефонлар: 91-36-11, 91-36-14.

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

Қабул пунктларида абонемент бериладнган кунлари Ш. БРОНТЕнинг «ДЖЕЙН ЭЙР» ва Ж. ЛОНДОНнинг «СЕРДЦА ТРЕХ. ЛУННАЯ ДОЛИНА» китобларига

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

17 ва 18 сентябрь кунларн ҳар бир қабул пунктида Ш. БРОНТЕнинг «ДЖЕЙН ЭЙР» китобига 100 тадан абонемент берилади.

24 ва 25 сентябрь кунларн Ж. ЛОНДОНнинг «СЕРДЦА ТРЕХ. ЛУННАЯ ДОЛИНА» китобига ҳар бир қабул пунктида 100 тадан абонемент берилади.

ҚЎШИМЧА ТАРЗДА ИЛГАРИ СОТИЛМАЙ ҚОЛГАН АБОНЕМЕНТЛАР ҲАМ БЕРИЛАДИ:

17 ва 18 сентябрь кунлари 24, 33, 44 ва 56-қабул пунктларида Ш. Бронтенинг «Джейн Эйр» китобига 150 тадан абонемент берилади.

24 ва 25 сентябрь кунлари 44 ва 56-қабул пунктларида Ж. Лондоннинг «Сердца трёх. Лунная долина» китобига 150 тадан абонемент берилади.

Ш. Бронтенинг «Джейн Эйр» ва Ж. Лондоннинг «Сердца трёх. Лунная долина» китобларига абонементлар бир йўла камида 10 кг. макулатура топширилгандан кейин берилади. Ш. Бронтенинг «Джейн Эйр», Ж. Лондоннинг «Сердца трёх. Лунная долина» китобларига берилган абонементлар уларда кўрсатилган китобларни 20 кг. макулатура топширилгандан кейин сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Улуғ Ватан уруши ҳнвалидлари ва қатнашчиларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Справкалар учун телефон: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪМИРЛОВ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1988—1989 ўқув йилига

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ САВДО СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Барча профилдаги озиқ-овқат (саноат) **товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.**

БУ ГРУППАЛАРГА 17 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

БУ ГРУППАЛАРНИ ТУГАТГАНЛАРГА «КОНТРОЛЁР-КАССИР» ЕКИ «СОТУВЧИ» МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ.

ШУНИНГДЕК ДЕКОРАТОР-БЕЗАКЧИЛАР ГРУППАСИ БЎЛИБ, ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ОЗИҚ-ОВҚАТ (саноат) **ТОВАРЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.**

Кирувчилар билан суҳбат ўтказилади. Ўқиш муддати 2 йил.

БУ ГРУППАГА ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ВА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Республика ҳунар-техника билим юрти барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни савдо бошқармаси ва область савдо бошқармасининг йўлланмаси билан қабул қилади.

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида: Тошкент Бош универсал магазини — ГУМда ва йирик универсам магазинларида ишлаб чиқариш таълими (практика)ни ўтказадилар.

Билим юртининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Республика ҳунар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси 3-уй, (13, 70-автобусларнинг «Тез ёрдам касалхонаси» бекати, 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекати). Телефон 75-35-86.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—15767. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши позим). А. 2222. Тиражи 100.220 Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.